

МИЛЛИЙ ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ**Бахтияр Сметович Мадияров***Ўзбекистон Маданият ва санъат институти**Нукус филиали ўқитувчиси**+998 97 500 28 92*

Аннотация: Мақолада қорақалпоқ киносанъатининг ривожланиш тенденциялари ва Қорақалпоғистон миллий киносидаги янгича усуллар ва миллий ҳужжатли фильмларнинг кинообразлилиги ҳақидаги фикрларимиз борасида сўз боради.

Калит сўзлар: Фильм, тема, жанр, идея, хроника, комедия, сценарий, панорама, плакатлилик.

Қорақалпоғистон киноҳужжатчилар ҳар доим миллий ва янада кенгрок томошабинлар оммасига таъсир қилишининг янгича усуллари кешф қилаётганликлари ва изланишда эканликлари барчамизга маълум. Бу янгича методларни қўллашда англандиган узлуксиз ва табиий ижодий жараёндир. Киноплакат образлилик шакллари ичида асосий ўрин эгаллайди.

«Кино» сўзлиги муаллифлари ҳужжатшунослар фаолиятида кинолавҳаларнинг муҳимлигини атаб ўтадилар. Вьетнам ва Кубалик киноҳужжатчилар мисолида улар панораммаликнинг яна бир хусусияти –етказилаётган образнинг лавҳалилигига (плакатлилигига) диққат қаратади.

«Улар ўткир публицистик франзуц калонизаторлари ва америкалик агрессияга қарши кураш йилларидаги мураккаб шароитларда тасвирга олинган. Вьетнам ҳужжатли фильмларига хос Жаҳон ҳужжатли киносида кубалик режиссёр С.Альвари ижоди алоҳида аҳамиятга эга. («Ханой, Сешамба 13» , 1967, «Генерал қай тарзда ва не учун ўлдирилди?»), 1970 ва х), унинг фильмларида ижтимоий-сий тақминнинг теранлиги ўткир плакатли, кескин зиддиятли монтаж ритми билан боғланади»¹ [1: 1986: 129].

Ҳужжатли фильмларда плакатлилик, яъни бирор нарсани (кема, саксовул, қумлар, бош кийим, ояқ кийим, қора уй ва х.) баъзан бир неча бор яқиндан тасвирланиши умумий видео тасвирнинг асосий хусусиятидир. Бу айниқса, овозли-

¹Кино: энциклопедический словарь. Гл. ред. С.И.Юткевич. – М.: Сов.энциклопедия, 1986. е– С. 129.

расмли, матнли ва аналитик сафга киририлган, аниқироғи, махсус ҳужжатли кино учун, характерли. Плакатлилик, назарга ташланувчанлик, ёркинлик, бадийлик билан баробар. У релефли ўзига хосликка эга, кўргазмалилиги, хусусияти билан кўзга ташланади. Масалан, «Қорақалпоқфильм» киностудияси томонидан 2021-йили тасвирга олинган «Ашиқ Аёз», «Қора уйдан кенг дунёга» каби фильмларда плакатлилик образлари мавжуд.

Кадрнинг плакатлилик хоссаси кўпинча аниқ қабул қилинади, эсда сақланади ва хотирада қолади. Натижада плакат (кинокадр каби) билан томошабин орасида муносабат- томошабинга ўткир публицистик таъсир алоқаси, унинг экрандаги воқеани англаб етиши ва хотирасида сақлаб қолишидир. Бундан киноплакатнинг томошабин наздидаги муҳим хусусияти ифодаланган деган хулосага келишимиз мумкин. Масалан, «Қорақалпоқфильм» киностудияси томонидан 2006-йили тасвирга олинган «Фидойилар» фильмида технологиялар йўқлиги боис саксовулни қўлда экаётган Орол фидойилари ҳақида сўз боради. Бу ўринда фильм қаҳроманлари қумғонда қолган охириги сувни шўр қумда ўсаётган саксовулга қўйиши унсиз (соқов, немой дейшадиган) публицистик плакат эпизоди мавжуд.

Медианинг кино соҳаси назариётчилари кино, хусусан, ҳужжатли фильмнинг ҳаёлот олами билан чамбарчас боғлиқлигини эътироф этадилар. Нега бундай муносабат билдирилади? Чунки, бунда барча ишлар сценарий муаллифи, режиссёр, оператор ва бошқа ижодкорлар томонидан конструкцияланади. Бу ҳақида М.Маклюэн; «Кино-бул механизмнинг энг олий кўриниши бўлибгина қолмасдан, у парадоксал равишда ўз маҳсулоти сифатида энг сеҳрли ишлаб чиқариш товари, хусусан, ҳаёлларни тавфсифлайди»² [2: 2011: 331]. Биз фильмда ҳаётини ҳақиқатнинг ўзига эмас, балки унинг намоиши (постановкаси) туфайли юз беради, деб ҳисоблаймиз. Шунга қарамасдан, бу тезисни ҳужжатли кинога боғлаб ифодалаш лозим. Таъкидланганидек, турлича мавзудаги фильмлар мавжуд-қаҳрамонлик, тарихий, эпик, фольклор, лирик ва ҳ. Уларнинг ҳаёлий тўқималар асосида бойитилиш даражаси ҳар хил, максимал даражадан минимал кўрсаткичгача. Агар биринчи вариант фантастик мавзудаги фильмларга дахлдор бўлса, иккинчи ҳужжатли фильмга дахлдор бўлиши адолатлидир, албатта. Дарвоқе, ҳатто ҳужжатли фильмларда ҳам шахсий муносабат асосий уриш палласини муаллифлик иши дейилиши, бежизга эмас.

² Маклюэн М. Понимание медиа. – М.: Кучково поле, 2011. – С. 324

Миллий ҳужжатли фильмларнинг кинообразлиги ҳақидаги фикрларимизни қуйидагича хулосаламоқчимиз. Қорақалпоғистондаги ҳужжатли фильмлар соф ахборот устиворлигини бажармайди-бу газета-журналларнинг, интернет ва телевидениенинг вазифаси. Замонавий медиа воситаларининг ўзига хослиги шундан иборатки, айнан улар республикада, юртимизда ҳамда жаҳонда юз бераётган янгиликлар, воқеа-ҳодислар тўғрисида материалларни биринчи, тезкор равишда ва қисқа лўнда шаклда етказиб бериш лозим. Шунингдек, бу ОАВ маълумотларининг ижодий ва техник хусусиятларига кўра буни кенг томошабин аудиториясига мос ҳолда қулай форматда намойиш қилиш имкониятига эга.

Ҳужжатли фильмнинг вазифаси алоҳида. У томошабинга визуал оламга тасвирланаётган воқеа ҳодисани намойиш феноменига чуқурроқ кириб бориш ва ушбу специфика асосида уларнинг мазмун-моҳиятини ва аҳамиятини англаш имконини беради. Хуллас, бу ўринда, томошабинга-ҳар хил манзара ва панорамани кузатиш, тасвирдаги воқеага атрофлича назар солиш натижасида, содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларни, фильм мазмуни ва композициясини, унинг видео ва овозли жиҳатини тафаккури, шуури, билим ва ҳаётий тажрибалари асосида чуқур ҳис қилиш, англаши ва хотирасида сақлаб қолиш имкониятини беради.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Маклюэн М. Понимание медиа. – М.: Кучково поле, 2011. – С. 324
2. Кино: энциклопедический словарь. Гл. ред. С.И.Юткевич. – М.: Сов.энциклопедия, 1986. – С. 129.
3. Хайдеггер М. Время картины мира (1938, 1950) // Хайдеггер М. Исток художественного творения. Избранные работы разных лет. М.: Академический проект, 2008. – С. 274.
4. Х.Муҳамедалиев. “Сценарийнавислик маҳорати”.–Тошкент. “Муסיқа”. 2009г.
5. Иззат Султон. Адабиёт назарияси.-Т.,Ўқитувчи. 2005 й.
6. Ш.Нусратова. “Бадий асар тахлили”, ўқув қўлланма. –Т.: “Fan ziyosi” нашриёти. 2023. 180 в.